

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ АКМАЛ АЛИШЕРОВИЧ**

**ИПАКНИНГ ТОЛАЛИ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ДАСТЛАБКИ  
ИШЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган-2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) потехническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Рахимов Акмал Алишерович**

Ипакнинг толали чиқиндиларини дастлабки ишлашнинг  
такомиллашган технологиясини яратиш..... 5

**Рахимов Акмал Алишерович**

Разработка усовершенствованной технологии первичной обработки  
отходов шелкового волокна..... 21

**Rakhimov Akmal**

Development of advanced silk fiber primary processing technology..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.T.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ АКМАЛ АЛИШЕРОВИЧ**

**ИПАКНИНГ ТОЛАЛИ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ДАСТЛАБКИ  
ИШЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган–2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1345 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедов Жаҳонгир Адхамович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ахунбабаев Охунжон Абдурахмонович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Парпиев Хабибулло**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фаргона политехника институти**

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.30.05.2018.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “25” сентябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75. e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (419-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2021 йил “13” сентябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил “13” сентябрдаги 50-рақамли реестр баённомаси).



**Р.М.Муродов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ҳ.Т.Бобожонов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Қ.М.Холиков**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон бозорида йилдан-йилга ипак толасига бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. “Хом ипак бўйича Халқаро консултатив қўмита (ISAC)” маълумотларига қараганда сўнгги йилларда дунё миқёсида 153 минг т. дан зиёд пилла хомашёси тайёрланди<sup>1</sup>. Дунё миқёсида пилла хомашёсидан самарали фойдаланиш, унинг толали чиқиндиларини иккиламчи хомашё сифатида ишлаб чиқаришга янада кўпроқ жалб қилиш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва ассортимент турларини кенгайтириш, таннархини камайтириш, толали чиқиндиларни дастлабки ишлаш ва қайта ишлашнинг барча босқичларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан ипак толасининг истеъмол хусусиятларини янада яхшилаш учун дунё бозорида ипак маҳсулотларидан тайёрланаётган маҳсулотларининг рақобатбардошлигини муайян даражада юксалиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ипак толасини олиш бўйича Ўзбекистон - Хитой, Ҳиндистон ва Вьетнамдан кейин тўртинчи ўринда бўлиб, 26 минг тонна пилла етиштиради. Бу кўрсаткич қиёсий таҳлил қилинганда 1 қути ипак қурти уруғидан ўрта ҳисобда 48-50 кг турли хил ўлчамдаги пиллалар олинади. Бу етиштирилган пиллаларнинг 68,3 % I ва II навларга, 3,04 % ностандарт, 16,12 % навсиз ва 12,03 % чувишга яроқсиз пиллаларга тўғри келади. Ипакчилик саноати ривожланган давлатларда эса 1 қути ипак қурти уруғидан 58,1-64,6 кг пилла олинади. Бу олинган пиллаларнинг 79,2-79,4 % ўртача ўлчамдаги пиллалар бўлиб 92,1-95,19 % I навга тўғри келади.

Бу борада, ипак ипларининг хоссаларини яхшилаш, ипак чиқиндиларидан самарали фойдаланиш, ипакдан олинаётган маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини янада ошириш, мустаҳкамлиги юқори бўлган ипак ипларини тайёрлаш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда 1 кг хом ипак ишлаб чиқариш учун ҳамон 3-3,2 кг куруқ сараланган пилла сарфланмоқда. Ваҳоланки, Хитой ва Ҳиндистонда бу кўрсаткич 2,8 кг дан ортмайди. Бунинг оқибатида пиллакашлик корхоналарида 1 кг хом ипак ишлаб чиқариш жараёнида 1 кг дан зиёд турли хилдаги чиқиндилар, шу жумладан 0,6 кг дан ортиқроқ миқдорда 9 хил турдаги толали чиқиндилар ҳосил бўлади. Бу чиқиндиларидан тўла фойдаланиб, уни қайта ишлаб, саноат ва аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш натижасида катта иқтисодий самара олинади. Республикамизда асосий тўқимачилик хомашёси бўлган ипак толасини ишлаб чиқариш ва уни чуқур қайта ишлаш асосида кенг ассортиментдаги юқори сифат ва паст таннархга эга бўлган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигини

<sup>1</sup> Silk Road Chamber of international committee Zhangjiajie, China From the Secretariat of the ISAC. Cooperation@srcic.com, December 17, 2018

ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда бу вазифани амалга оширишда, жумладан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш” вазифаси белгилаб берилди. Ушбу вазифани амалга оширишда, жумладан, ипакнинг толали чиқиндиларига дастлабки ишлов беришнинг анъанавий усулларини такомиллаштириш, елимсизлантириш ва ёғсизлантиришни илмий асосда белгилаш, ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш асосида ипак толаси сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон “Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашнинг ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. “Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Охириги йилларда пиллакашлик тармоғи, умуман пилла етиштиришдан бошлаб ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришгача бўлган технологик жараёнлар ва бу жараёнларда қўлланиладиган ускуналар такомиллашиб бормоқда. Бироқ республикамизда етиштирилган пиллалар ўзининг сифати билан бундай техника ва технологияларга мос келмаслиги туфайли ҳамон ипакнинг толали чиқиндилар чиқиши юқорилиги, уларни қайта ишланмасдан хомашё сифатида экспорт қилиниши давом этмоқда. Ваҳоланки, 1 кг хом ипак нархи унинг ассортиментларига қараб жаҳон бозорида 48-50 АҚШ долларини ташкил этса, унинг толали чиқиндиларидан йигирилган ипак нархи 70 АҚШ доллари туради. Бу толали чиқиндилардан самарали фойдаланилмаётганлиги Республикамиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Табиий ипак чиқиндиларини қайта ишлаш технологияларини тадқиқ қилиш бўйича қатор олимлар, жумладан В.В.Линде, В.А.Усенко, М.В.Корчагин, Л.М.Забелоцкий, С.А.Тумаян, Х.А.Алимова, Л.Ю.Юнусов, А.И.Исаев, Ш.А.Қодиров, У.А.Абдуллаев, А.З.Абдуллаев, Ш.Дадажонов, Д.С.Тўйчиев, И.З.Бурнашев, А.Э.Гуламов, Ж.А.Ахмедов ва бошқа олимлар иш олиб боришган. Барча илмий тадқиқот ишлари Марғилон ипак комбинати

(Ўзбекистон), Ленинобод ипак комбинати (Тожикистон), Кутаиси ипакчилик тўқув-тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси (Грузия), “Пролетарский труд” ипак эшиш-йигириш ишлаб чиқариш бирлашмаси (Россия), корхоналарида амалга оширилган ва жорий қилинган. Лекин бугунги кунда бу корхоналар ё бутунлай беркилиб кетган ёки ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартирган.

Бугунги кунда бизнинг Республикамизда табиий ипак чиқиндиларини қайта ишлаш билан “Верегров ипаги” МЧЖ, “Ҳарир тола” МЧЖ каби корхоналар шуғилланмоқда. Бу корхоналарда ипак чиқиндиларини қайта ишлаш йўлга қўйилган бўлишига қарамадан технологияларда жуда кўп муаммолар мавжуд, уларни ижобий ҳал қилмасдан соҳа салоҳиятини юксалтиришнинг иложи йўқ.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти (ЎзТТИТИ) ҳамда Андижон вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази илмий тадқиқот ишлари режасининг №В7-031 сонли “(Научные основы технологии новых ассортиментов текстильных изделий от волокна до готовой продукции и разработка их системы сертификации и стандартизации)” мавзусидаги амалий (2013-2015), №И-2015-3-12 рақамли “Ипакнинг толали чиқиндиларини дастлабки ишлаш технологиясини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш (2017-2018) ва Ф-А-2018-004 “Янги зот ва дурагай тирик пиллалардан хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Табиий ипакнингтолали чиқиндиларини синфлаштириш асосида сирт фаол моддалар ва электр фаол сув ҳамда уни амалга оширувчи ускуналар ёрдамида дастлабки ишлов бериш орқали сифатли йигирилган ипак калава ипини ишлаб чиқариш учун хомашёни тайёрлашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

табиий ипакнингтолали чиқиндиларини илмий асосда синфлаштириш услубини ишлаб чиқиш;

ипакнинг қайта ишланмайдиган нотолали чиқиндиси бўлган ғумбакдан олинган ёғ асосида сирт фаол моддани синтез қилиш ва унинг айрим физик-кимёвий ҳамда коллоид-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш, полимерланиш жараёнлари қонуниятлари ва уларни турли омилларга боғлиқлигини ўрганиш, полимерланишни ўзгармас қийматлари, фаоллик ва кутбланиш ҳамда сополимерларни композицион таркибларини аниқлаш;

сирт фаол модда ва электр фаол сувнинг ипакнинг толали чиқиндиларини ивишига, бўкишига, таркибидаги серицинни ва мумсимон ёғ моддаларини эришига таъсирини аниқлаш;

табиий ипакнинг толали чиқиндилари таркибидаги серицин ва мумсимон ёғ моддаларини эритишни муқобил технологик ўлчамини аниқлаш ва амалиётда қўллаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

табий ипакнинг толали чиқиндилари таркибидаги серицин ва мумсимон ёғ моддаларини эритиш кинетикаси ва термодинамикасини тадқиқ этиш, тавсия этилган технологик жараённинг ипак тола хоссаларига таъсирини ўрганиш, чиқиндиларни йиғиришга тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида “Ҳарир тола” МЧЖ да ҳосил бўладиган толали чиқиндилар, ипак таркибига яқин бўлган сирт фаол модда, электр фаол сув таъсирида дастлабки ишлов берилган ипакнинг толали чиқиндилари, кийимларни кимёвий тозалаш машинаси, тола таркибидаги серицин, ёғ ва совун миқдорини аниқловчи “Сакслет” аппарати.

**Тадқиқот предмети** сирт фаол модда ва электр фаол сув асосида дастлабки ишлов берилган ипакнинг толали чиқиндиларининг технологик кўрсаткичлари, чиқиндиларни дастлабки ишлаш жараёни режимларини ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Иш назарий ва амалий тадқиқотлардан ташкил топган. Назарий тадқиқотлар олий математика, назарий ва амалий механика, экспериментал тадқиқотлар, математик статистика, замонавий ўлчов асбобларидан фойдаланиб, тажрибаларни режалаштириш ва муқобиллаштириш усуллари қўлланилган. Амалий тадқиқот ишлари эса Андижон вилояти Жалақудуқ тумани бош пиллахонасида, “Ҳарир тола” МЧЖ да ва “Муборак” кийимларни кимёвий тозалаш корхонасида олиб борилди. Тадқиқот ишларидан олинган намуналар эса Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтини “Ипак технологияси” ва “Тўқимачилик материалшунослиги” кафедрасида текширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

табий ипакнинг толали чиқиндиларини илмий асослаган ҳолда янги усулдаги синфланиш гуруҳларига ва турларга ажратилган схемаси ишлаб чиқилди;

ипакнинг толали чиқиндиларини пиллакашлик корхонасида 40 дақиқа, йиғирув корхонасининг қайнатиш цехида 120 дақиқадан иборат бўлган 2 маротабали елимсизлантириш ва ёғсизлантириш технологик жараёнлари, янги синтез қилинган препаратнинг сувли эритмасидан фойдаланиш ҳисобига 20-25 дақиқа ювиладиган, 1 маротабали тизим яратилган;

ипак чиқиндиларига дастлабки ишлов бериш технологик жараёнида толаларнинг таркибида 2,5 % серицин, 0,65 % ёғ ва 2,0 % совун қолдиғи бўлишлиги илмий асосланган;

ипак чиқиндиларига дастлабки ишлов беришнинг янги технологиясини толанинг йиғирувчанлик хусусиятига ва физик-механик хоссаларига таъсири тадқиқ этилиб, назарий ва амалий тадқиқотлар асосида ипакнинг толали чиқиндилари таркибидаги серицинни эрувчанлиги дастлабки ишлов бериш вақтига боғлиқлиги аниқланган, анъанавий технологиядаги 160 дақиқа ўрнига 20-25 дақиқали муқобил кўрсаткичлари илмий исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларига мувофиқ ипакнинг толали чиқиндиларига дастлабки ишлов беришнинг хамланган ва такомиллашган тизими ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқариш жараёнида синовдан ўтказилган;

ипакнинг толали чиқиндиларини дастлабки ишлашни жадаллаштириб, йиғиришга тайёрлаш босқичларини камайтиради ва ипакнинг толали чиқиндиларини йиғириш корхоналаридаги елимсизлантириш ва ёғсизлантириш жараёни тугатилган;

ипакнинг толали чиқиндиларига иссиқ сув, кимёвий моддаларнинг сувдаги эритмаси таъсирини камайтириш ҳисобига йиғиришга тайёрланган тола ва ишлаб чиқарилган калава ип сифати яхшиланган ҳамда пахта ва жун йиғириш корхоналарида ишлатиш имкониятлари яратилган;

ипакнинг толали чиқиндиларини янги синтез қилинган препаратнинг сувли эритмасида 20-25 дақиқа ювилгани учун триполифосфат, олеин совуни ва кальцийли соданинг сувли эритмаси ишлатилмади, натижада ипак толаси ва ундан олинадиган ипакли маҳсулот сифатига салбий таъсири тўхталган.

**Тадқиқот натижаларнинг ишончилиги.** Диссертациядаги назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилган ҳолда асосли ўтказилганлиги, уларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ, қиёсий олинган натижаларнинг реал иқтисодий самарадорлик билан ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий ипакнинг толали чиқиндиларига дастлабки ишлов бериш жараёнида салбий таъсир қиладиган турли хил омилларни чеклаш орқали, ипакнинг толали чиқиндилари хоссаларини сақлаб қолиш, физик-механик хусусиятларини, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, чиқиндиларни дастлабки ишлаш жараёни технологик тизимини қисқартириш ва бу борада вужудга келадиган муаммоларни бартараф этиш усулларини ишлаб чиқиш орқали нуқсонли ҳолатларни бартараф этиш усулларини яратилиши, электр актив сувларнинг сирт фаол моддалар билан оптимал концентрацияда ипак чиқиндисига ишлов бериш орқали сифатли тола олиш жараёни самарадорлигини оширишга эришилгани, тадқиқотлар натижасида электр фаол сув асосида чиқиндига дастлабки ишлов бериш жараёнини такомиллаштирилган ўлчамларини ишлаб чиқиш, чиқиндиларни ювиш жараёнида унинг таркибидаги серицин моддасининг бўқиши, ивиши ва эритиш режимлари орқали ипак толасини олишни юқори иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тавсия этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сувда эрувчи полимер ва электр фаол сув билан ипакнинг толали чиқиндиларига дастлабки ишлов бериш технологик жараёнларини, сирт фаол модда билан пиллани сақлаш ва чувиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган изланишлар асосида:

синтез қилинган сувда эрувчи полимер ва электр фаол сув билан ипакнинг толали чиқиндиларига дастлабки ишлов бериш технологияси

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги “Ҳарир тола” МЧЖ да жорий қилинган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2021 йил 27 июлдаги № 4-2/1140-сонли маълумотномаси);

сувда эрувчи полимер билан ипакнинг толали чиқиндиларини елимсизлантириш ва ёғсизлантириш технологик жараёни Андижон шаҳридаги “Муборак” кийимларни кимёвий тозалаш корхонасида ҳам ўтказилган, натижада анъанавий усулга нисбатан такомиллашган технологияда хомашёнинг 1 кгдан 125-130 гр толани тежаш имкони яратилган;

сувда эрувчи полимер, электр фаол сув ва ускуналар ёрдамида ипакни толали чиқиндиларини елимсизлантириш ва ёғсизлантириш технологияси жорий этилиши натижада елимсизлантириш ва ёғсизлантириш учун сарфланадиган 160 дақиқали вақт сарфи 20-25 дақиқага келтирилган, ипак толанинг хоссалари 10-12 % ортган;

елимсизлантириш ва ёғсизлантириш жараёнини қисқариши муносабати билан ипак толаларини қайта ишлашда узилишлар сони камайган, иш унумдорлиги 9,4 % кўпайган;

синтез қилинган сирт фаол модда биланхўл пиллага дастлабки ишлов беришдан олдин модификация қилиш услуги Жалақудуқ тумани бош пиллахонасида жорий этилган. Натижада ишлаб чиқариладиган 1 кг ипакка кўшимча 1,7-1,8 % кўп хом ипак чувиб олишга эришилган;

“Ҳарир тола” МЧЖ да синтез қилинган сирт фаол модда билан пиллани чувишдан олдин модификация қилинганда ипак ишлаб чиқариш миқдори 150 гр га ортиши ҳисобига чиқиндиларини ҳосил бўлиши 1,5-1,6 % камайган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий

килиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи ва тадқиқот вазифалари”** деб номланган биринчи бобида пилладан хом ипак ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган ипакнинг толали чиқиндиларини миқдори, турлари, тавсифи, айрим физик-кимёвий ва физик-механик хусусиятлари, ипакнинг толали чиқиндиларини дастлабки ишлашга оид илмий тадқиқотлар, ишлаб чиқариш тажрибалари бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган.

Пиллакашлик корхоналарида йилига ўрта ҳисобда 1000-1100 т. дан зиёд 11 хилдаги ипакнинг толали чиқиндилари ҳосил бўлади. Улардан 7 хили ўзининг физик-кимёвий ва физик-механик хоссалари билан ипак калава ип, аралаш пахта ипак ва жун ипак калава ипларини ишлаб чиқаришга мос келади, қолган 4 хили ишлаб чиқаришга жорий этилган технологик ускуналарда ипак калава ёки аралаш калава ипларини йиғиришга муносиб эмас.

Ипак чиқиндиларини дастлабки ишлашда уни фақат совунли ва содали қайноқ сувда эмас балки, айрим ҳолларда сульфано́л, ЮАГША, СВАН дициандиа́мид, сульфат кислотасининг кучсиз эритмаси, сулфокарбонат, ПСРК ва ПСОО каби сирт фаол моддалар ёрдамида амалга оширилган. Бироқ, ҳар бир ҳолатда ҳам ипакнинг толали чиқиндиларига икки марта дастлабки ишлов берилган. Агар икки марта дастлабки ишлов бериш жараёнини биттага бирлаштирилса қай даражада бўлишлиги ҳақидаги илмий гипотеза илгари сурилмаган.

Бундай гипотезани биринчи бўлиб 1988 йили профессор В.А.Усенко, 1990 йили профессор Л.Ю.Юнусовлар томонидан илгари сурилиб, ипакнинг толали чиқиндиларига дастлабки ишлов беришни қисқартирилган технологиясини яратган. Бу технологиянинг амалга оширилиши учун қўлланиладиган сувнинг структураси, электр майдонида ишқорий ва жавҳарли қутбларга ажратилган ҳамда «буғ-вакуум-буғ» тизимида ишлайдиган ускуналар КТР-4 русумли камераси ёки Япониянинг “Хисако” фирмасини босим билан ишлайдиган аппаратдан фойдаланган. Қайнатиш жараёнида эса сувда эрувчи полимер ва сирт фаол моддаларни қўллаш билан амалга оширилган.

Ипакнинг толали чиқиндиларига икки босқичли дастлабки ишлаш технологиясини бир босқичга келтириш учун бундай ёндошиш етарли эмас. Чунки ишлаб чиқаришда хомашёга ишлов бериш вақтини, сув ҳароратини ва ювиш воситаси миқдорини автомат тарзда назорат қилувчи замонавий технологик ускуналаридан фойдаланишни масаласини ҳам эътиборга олиниши зарурдир. Бу эса дастлабки ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш зарурлигини ва бу йўналишда комплекс назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш кераклигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот услублари”** деб номланган иккинчи боби тадқиқотнинг умумий услубияти, тадқиқ этилаётган объектлар рўйхати, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги, ипакнинг толали чиқиндиларини дастлабки ишлашнинг такомиллашган технологиясини яратиш борасида лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган амалий

тадқиқотларнинг услублари келтирилган. Айрим ноанъанавий амалий тадқиқотлар, жумладан ипак чиқиндисидоги серицин, ёғ, мумсимон модда ва совуннинг қолдиқ миқдорини аниқлаш учун “Сакслет” лаборатория ускунаси биринчи марта қўлланилганлиги учун, унинг услуги батафсил баён этилган.

Диссертациянинг **“Ипакнинг толали чиқиндиларини дастлабки ишлаш технологиясини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи боб - табиий ипакнинг толали чиқиндиларини синфлаш; табиий ипакнинг толали чиқиндилари тавсифлари ва хоссалари; ипак чиқиндиларини дастлабки ишлаш учун препарат синтез қилиш ва унинг хоссаларини тадқиқ этиш; сув ва унинг тузилиши ва оксилларни эритувчи хоссаларининг назарий тадқиқотлари; ипак чиқиндиларини елимсизлантириш ва ёғсизлантиришга электр фаоллаштирилган сувнинг таъсири; ипак чиқиндиларини дастлабки ишлаш технологияси ўлчамларини муқобиллаш ва уни тола хоссаларига таъсири батафсил ёритилган.

Барча фан учун хомашё, материаллар ва маҳсулотларни синфлаш асосий масалалардан биридир. Тадқиқотчилар ипакнинг чиқиндиларини бой ва кам толали, узун, ўрта, калта ва аралаш толали, параллел ва чигал толали ҳамда хўл, нам ва қуруқ толали турларга ажратиб синфлаганлар. Бу эса етарли эмас.

Табиий ипакнинг толали чиқиндиларини синфлашда тўқимачилик материалшунослиги фанидаги тўқимачилик толаларини синфлаш бўлимига асосланса илмий ва амалий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан: синф; кичик синф; гуруҳ; кичик гуруҳ ва ниҳоят тури.

Табиий ипакнинг толали чиқиндилари келиб чиқишига қараб, икки синфга ажрайди пилла саноати ва ипак саноати чиқиндилари. Пилла саноати чиқиндиларига яроқсиз пиллалар, пиллани етиштириш ва дастлабки ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган қорапачоқ пиллалар ҳамда момиқсимон пилла лоси киради. Яроқсиз пиллалар миқдори умумий етиштириладиган пилла миқдорини 15 % ни, момиқсимон пилла лоси эса қарийиб 3,2-3,5 % ни ташкил этади. Ипак чиқиндилар ичида момиқсимон пилла лоси унчалик катта қийматга эга бўлмаган хомашёдир. Яроқсиз пиллалар - тўлиқ ва қисман чувиш мумкин бўлмаган пиллалар бўлиб 9 хилдаги пилласимон чиқиндиларига бўлинади. Уларнинг таркибига, қўшалок, хунук, силлик (атлассимон) қобикли, доғли, қорапачоқ, чала ўралган, юпқа қобикли, тешик пиллалар, ва бошқа турдаги нуқсонли йигирилган ипак олишга яроқли чиқиндилар киради.

Табиий ипак асосан 70-80 % фиброиндан, 20-30 % серициндан 1,6-3,9 % турли хилдаги кимёвий ва 1,1-1,7 % маъданли моддалардан иборат.

Табиий ипакнинг кимёвий таркибини пилла қобиғи, хом ипак ва толали чиқинди сифатида ўрганиб, уларнинг саноатда қўлланилмайдиган чиқиндиларидан сирт фаол модда ва сувда эрувчи препарат синтез қилинди. Ипакнинг толали чиқиндиларига дастлабки ишлов беришда фойдаланиладиган сувда эрувчи препаратни синтез қилиш учун т.ф.д., профессор Л.Ю.Юнусов услубидан фойдаланилди. Синтез қилинадиган сувда эрувчи препаратни ишлаб чиқариш шароитида тайёрланади. Жараён “рН-340” русумли рН-метр ускунаси ёки сувни ёки сувли эритмани 1,0-12,0

кўрсаткичгача аниқлайдиган индикаторли қоғоз ёрдамида назорат қилинади. Бизнинг тажрибаларимизда “рН-метр” русумли ускуна ва “ЭВ-74” русумли иономердан фойдаланилди.

Шунингдек, гидролиз жараёнида фиброин, серицин, майдаланган гўмбак ипак чиқиндисига шимиб олинган ёғ, бир қанча аминокислотали фракциялар қолдиғига ва ёғ жавҳарларига ажралади. Бундан ташқари, янги синтез қилинган сувда эрувчи препарат таркибига  $\text{SO}_4^{-2}$  ва  $\text{Cl}$  ионлари ўрнига  $\text{PO}_4^{-3}$  иони бўлганлиги учун совунли-сода ёки МС-1, МС-2, МС-3 каби эритувчи моддаларга нисбатан универсалроқ бўлди.


Синтез қилинган сувда эрувчи препаратни функцияли тузилиш гуруҳини аниқлаш мақсадида, уни ИК-спектор “Specord-75” русумли ускуна ёрдамида ўрганилди. ИК-спектрлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар иккала препаратда ҳам  $\text{NH}_2$ ,  $\text{C}=\text{O}$ ,  $\text{C}-\text{N}$  и  $\text{C}-\text{H}$  кўринишдаги кенг функционал гуруҳлар йўлаклари мавжуд. Иштирок этаётган ноорганик анионлар ( $\text{PO}_4^{-3}$  и  $\text{SO}_4^{-2}$ ) эркин ҳолда учрайди, яъни ҳудди механик аралашма шаклида. Юқори частотали жойлари ютилишларнинг кенг йўлакларида валент тебраниш ҳолида  $\text{NH}_3^+$  яъни аммонийли йўлак деб аталувчи, ўрта частотали жойлари карбонли пептид гуруҳи “амид-1” ва “амид-2”, тегишли кучланган тебраниш билан  $\text{NH}$  гуруҳи намоён бўлди (1-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал

#### ПСОО-1 ва ПСОО-2 сувда эрувчи препаратнинг ИК-спекторини такрорийлиги ва нисбий ютилиш йўлаклари

Вариантлар		Нисбий ютилиш йўлаклари
1- $\text{PO}_4^{-3}$ ионли	2- $\text{SO}_4^{-2}$	
3220	3280	NH
1650	1640	C=O (амид-I)
1555	1560	NH (амид-II)
1400	1400	CH
1300	1300	CH
1200-1260	1230-1280	C-C (занжирнинг склетли тебраниши)
1145	-	C-N
-	1125	$\text{SO}_4^{-2}$
1070	-	$\text{PO}_4^{-3}$
940	990	CH (текис)
855	840	CH (текис бўлмаган)
-	610	$\text{SO}_4^{-2}$

Сувда эрувчи препарат синтез қилинганидан сўнг, унинг айрим хоссалари ўрганилди. Бунинг учун сувда эрувчи препаратининг 0,1 % дан 0,5 % гача бўлган сувли эритмаси тайёрланиб, унинг сирт таранглиги тадқиқ этилди. (1-расм).




**1-расм. ПСОО препаратининг сувдаги эритмасининг сирт таранглигига таъсиринг рафиғи**

Толанинг ивувчанлигини аниқлаш учун ипакнинг толали чиқиндиларидан вазни 10 гр ли намуналар олдик. Шунингдек, янги синтез қилинган препаратдан ҳам 0,3; 0,7; 1,0; 2,0; 4,5 ва 5,0 % бўлган концентрациядаги эритма тайёрланди. Назорат варианты деб қабул қилинган 0,3-0,5 % совунли-сода эритмаси ҳам тайёрланди. Эритмалар ўлчамли идишларга қўйилиб, намуналар у эритмаларга солинди ва намуналарнинг эритмадаги чўкиш вақти назорат қилинди. (2-расм). Намуналарнинг ивиш даражаси ( $\mu$ ) назорат вариантыда қуйидаги тенглама билан ҳисобланди

$$\mu = M_{\text{эрит.}} / M_{\text{сув}} \quad (1)$$

бунда  $M_{\text{эрит.}}$  ва  $M_{\text{сув}}$  – мос равишда ипак чиқиндисининг препаратнинг сувдаги эритмаси ва тоза сувда ивувчанлиги



1-2 - мос равишда биринчи ўтим тўшама; 3-4 - мос равишда пилла лоси.

**2-расм. Препарат концентрациясининг ипак чиқиндисини ивувчанлик даражасига боғлиқлиги граfiғи**

2-расмдан кўришиб турибдики препарат концентрациясининг сувдаги миқдори ортиб борган сари ипак чиқиндисининг ивиши ортмоқда, ипак чиқиндисининг эритмага чўкиш вақти эса камайиб бормоқда. Препарат концентрациясининг ипак чиқиндисини ивйтишига боғлиқлиги экспоненциал эгри чизик билан ўзгариб, куйидаги тенглама билан ифодаланмоқда

$$Y=A+B \cdot (1-e^{1/X}) \quad (2)$$

**бунда**  $Y$  – ипак чиқиндиларининг ивувчанлиги;

$A$  - ипак чиқиндиларининг сувдаги ивувчанлиги;

$B$  - ивувчанликни максимал ўсиши ( $X \rightarrow \infty$ );

$X$  - эритма концентрацияси, %;

$e$  - натурал логорифим асоси.

Маълумки ипакнинг толали чиқиндиларини дастлабки ишлашнинг энг кулай усули-кимёвий усул бўлиб, уни амалга оширишда 4 та омил – ишлов беришнинг узликсизлиги (автоматик тарзда амалга ошириши), эритманинг ҳарорати, унинг изоэлектрик рН ҳолати, елимсизлаштириш ва ёғсизлантириш жараёнидаги ваннанинг модули, ҳамда технологияда қўлланилувчи сувнинг тузилиши кабилар катта аҳамият касб этади.

Амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, эритманинг ҳарорати  $80^{\circ}\text{C}$  дан кам бўлса, серицин деярли эримайди,  $95^{\circ}\text{C}$  дан ортса серициннинг эриши тезлашади. Шунинг учун эритманинг ҳароратини  $85-90^{\circ}\text{C}$  деб қабул қилинади.

Биокимё фанидан маълумки, серицин моддаси ўзининг табиатига кўра оксил, унинг изоэлектрик нуқтаси  $\text{pH}=3,9$  эрувчанлик даражаси жавҳарли муҳитнинг функциясидир. Демак муҳитнинг жавҳарлилик даражаси  $\text{pH}=3,9$  бўлганда серициннинг эрувчанлиги энг кам миқдорда, рН камайтирилган чоғда серициннинг эриши юксалади.

Сувда ва сувли эритмада доимий равишда  $-\text{H}^+$  ва  $-\text{OH}^-$  эканлиги маълум, чунки айрим ҳолларда сув куйидаги тенглама билан диссоциаланади



Амалдаги масса қонунидан келиб, тасаввур қилсак

$$(\text{H}^+) \cdot (\text{OH}^-) = \eta \text{H}_2\text{O} \quad (4)$$

Демак водород ва оксид ионларининг миқдорий кўпайтмаси сувда доимо бир хилда эканини инобатга олсак  $\eta \text{H}_2\text{O}$  нинг қиймати турли усулларда тажриба йўли билан текширилганда тахминан  $10^{-14}$  га тенг эканлиги маълум бўлади, демак

$$(\text{H}^+) \cdot (\text{OH}^-) = 10^{-14} \quad (5)$$

$(\text{H}^+)$  ва  $(\text{OH}^-)$  белгилар 1 л сувдаги водород ва оксидларнинг грамм-эквивалентдаги миқдори эканлигини эътиборга олиб,  $\text{H}^+$  ионлари билан  $\text{OH}^-$  ионларининг 1 л сувдаги кўпайтмаси  $10^{-14}$  деб хулоса қилиш мумкин.

Тоza сувда  $(\text{H}^+) = (\text{OH}^-)$  фараз қилсак,  $(\text{H}^+)^2 = 10^{-14}$  ёки  $(\text{H}^+) = \sqrt{10^{-14}} = 10^{-7}$ ; шунингдек

$$(\text{OH}^-) = (10^{-14}) / (10^{-7}) = 10^{-7} \quad (6)$$

эканлиги яққол намоён бўлади.

Агар сувда жавҳар эритилса, эритмадаги  $H^+$  миқдори кўпайиб,  $OH^-$  миқдори камаяди, чунки  $(H^+) \cdot (OH^-) = 10^{-14}$  бўлгани учун муҳит жавҳарли бўлади. Бунинг акси бўлса, у ҳолда муҳит ишқорий бўлади. Шундай қилиб ипакнинг толали чиқиндисига дастлабки ишлов бериш жараёнида ишлатиладиган технологик сувнинг таркибини ишқорий ёки жавҳарли муҳитга айлантириш мумкинлиги назарий исботланди. Бироқ бундай муҳитни нафақат эритмага жавҳар қўшиб  $H^+$  миқдорини ёки бошқа модда қўшиб  $OH^-$  миқдори оширилади, балки электр майдонининг таъсирида ҳам сувнинг таркибини ишқорий ёки жавҳарли қилиш мумкин, яъни сувни электроактиватор прибори орқали, уни ишқорий ва жавҳарлига ажратилади.

Елимсизлантириш ва ёғсизлантириш жараёнини муқобил ўлчамларини аниқлаш учун математик модели ҳисоблари тадқиқ этилди

$$\begin{aligned} Y_1 &= 0,84 - 0,49X_1 - 0,43X_2 - 0,32X_3 + 0,21X_1X_2 - 0,22X_1X_3 + 0,21X_2X_3 + 0,49X_1X_2X_3 \\ Y_2 &= 0,80 - 0,26X_1 - 0,27X_2 - 0,20X_3 - 0,11X_1X_2 - 0,22X_1X_3 - 0,23X_2X_3 + 0,38X_1X_2X_3 \\ Y_3 &= 1,39 - 0,28X_1 - 0,39X_2 + 0,89X_1X_2 - 0,89X_2X_3 + 0,38X_1X_2X_3 \end{aligned} \quad (7)$$

Уч омилли кўрсаткичларни боғлиқлигини математик моделига асосан бизнинг тадқиқотимизда муқобиллаштириш вазифаси белгиланди, чунки бу ихтиёрий танланган мезонлар бўлган  $Y_1$ ,  $Y_2$ ,  $Y_3$  минималлаштириш зарур. Сабаби бу кўрсаткичлар  $Y_1=2,5$  % дан,  $Y_2=0,65$  % дан,  $Y_3=2,0$  % дан ортмаслиги керак. Бу катталиклар йиғирилган ипак ишлаб чиқиш меъёрий ҳужжатлари билан тасдиқланган. Бундай чекловлардан сўнг ва олинган моделлар асосида қуйидаги мезон қурилади

$$Y = \sum_{i=1}^3 \frac{y - y_i}{y - y_i} \alpha_i \quad (8)$$

бунда  $Y_i$  ( $i=1-3$ ) - хусусий мезонлар;

$Y_i^{\min}$  ва  $Y_i^{\max}$  - мос равишда  $i$ -мезонининг тажрибаларни режалаштириш доирасидаги максимал ва минимал кўрсаткичлари;

$\alpha_i$  -  $i$  - мезонининг улуши.

Эътиборли томони шундаки

$$\sum_{i=1}^3 \alpha_i = 1 \quad (9)$$

Юқоридагиларни инобатга олиб муқобиллаштириш вазифаси қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$\begin{aligned} Y &\rightarrow \min \\ D: Y &\leq Y_i^+; \quad i = 1, 2, 3; \quad 1 \leq X_i \leq 1 \end{aligned} \quad (10)$$

бунда  $Y_i^+$  - муқобиллашнинг хусусий  $i$ - мезонининг юқори чегараси;

$X_i$  -  $i$  - омили.

Ўзгарувчанлик қадамлари билан вазифани ечилганидан сўнг, қуйидаги натижалар олинди: ҳаво ҳарорати  $65^{\circ}C$  дан  $85^{\circ}C$  га, ишлов бериш муддати 20 дақиқадан 25 дақиқага, камерадаги ҳаво босими 500 кПа дан 700 кПа гача



Ўзгартирилганда ипак чиқиндиси таркибидаги мумсимон-ёғ моддаси яхши бўлади. Ипак чиқиндисининг бундай бўлган ҳолатига эритувчининг ҳарорати 95-100° С бўлиши, ишлов бериш муддати 20-25 дақиқа ипак чиқиндиларига икки мартадан дастлабки ишлов беришни биттага келтириш имконини беради. Ипак толасига 95-100° С ҳароратли эритувчининг таъсири камайиб, толанинг хусусиятлари сақланади, ишлаб чиқариш эстетикаси юксалади, меҳнат ва ускуна унумдорлиги ортади.

**“Чиқиндиларни камайтириш учун сирт фаол моддани қўллаш”** деб номланган тўртинчи бобда пилла етиштиришда унинг сифатига ва ипакнинг толали чиқиндиларини камайтиришга боғлиқ омилларнинг тадқиқоти натижалари келтирилган.

Жумладан йиғириш корхоналарининг хомашё турларини кўпайтириш, табиий тола чиқиндиси бўлган лосни, йиғириш корхоналарида пахта, жун толалари билан кўшиб ёки соф ҳолда ишлатиш имкониятларини яратиш учун ипак қуртини пилла ўраш даврида капронли сунъий дасталар қўлланилди. Натижада ипак қурти томонидан табиий дасталарда ҳовоза ёки ўрмонча ҳосил қилиш учун сарфланадиган 33 гр ипак толаси ўрнига 16 гр ипак толаси сарфланди ва бу лос толаларининг ифлосланганлик даражаси 71,6 % ўрнига 15-16 % ни ташкил қилди. Республикамиз бўйича ипак қуртини пилла ўраш жараёнида тўла сунъий дасталарни қўлланилганда етиштирилаётган пилла миқдори 442 т. га кўпайиши ёки ипак тола чиқиндиси бўлган лос учун сарфланадиган ипак тола миқдорини 416 т. гача камайтиришга эришилди.

Маълумки, ҳозирги кунда пиллакашлик корхоналарида амалда қўлланилаётган стандарт талабларига кўра юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш, толали чиқиндиларни камайтириш омилларидан бири - бу пилла ипининг узлуксиз чувилиш узунлиги  $l_{yy}$  бўлиб, бу кўрсаткич пилла чувиш бошлангандан пилла ипининг биринчи узилгунигача бўлган ёки биринчи узилганидан иккинчи узилгунигача бўлган оралиғидаги узунлиги билан ифодаланади.

Бу кўрсаткич асосан пилла хоссаларини аниқлаш учун яқка ёки пилла гуруҳи намуналарини лаборатория шароитида чувиб аниқланади. Пилла ипининг узлуксиз чувилиш узунлигини  $l_{yy}$  ўртача қиймати ва ипакни мумкин қадар минимал нотекислигини таъминлаш асосида пиллаларни саноат шароитидаги чувиш тезлиги қуйидаги формула билан аниқланади.

$$v = \frac{60l_{yy}KH}{tK_c(100 - nKH)} \quad m/min \quad (11)$$

**бунда**  $l_{yy}$  - пилла ипининг узлуксиз чувилиш узунлиги, м;

$K$  - хом ипак нотекислигини инобатга олувчи коэффицент бўлиб, у пилла ипининг узлуксиз чувилиш узунлигига нисбатан жадвалдан танланади.

$K_c$  - пилланинг навини инобатга олувчи коэффицент бўлиб, у ҳам пилланинг навига қараб, жадвалдан танланади.

$n$  - биринчи навли хом ипак учун нотекислик коэффиценти, у стандартдан олинади.

$t$  - пиллалар дастасини тўлдирилиш даври, с.

n - илгич остида жойлашган пиллалар сони, дона.

Юқорида келтирилган ифоданинг таҳлили шуни кўрсатадики, пилла ипини чувишнинг ҳамма технологик омиллари мутлоқ ёки коэффицент орқали инобатга олинган, лекин пилла чувиш жараёнида унинг узилишига сабаб бўлувчи адгезия кучининг таъсири инобатга олинмаган.

Демак пиллаларни саноатда чувиш тезлиги, юқорида келтирилган омиллар билан бирга, пилла ипларининг узилишига сабаб бўлувчи адгезия кучига ҳам узвий боғлиқдир.

11 формуладан келиб чиққан ҳолда Дюпре тенгламасидан, Юнг модули ва Пуассон коэффицентларидан фойдаланиб адгезия кучини ҳисобга олиб юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш учун пиллани чувишнинг муқобил тезлигини аниқлаш формуласини ишлаб чиқдик.

$$V = \left[ \frac{N \cdot T_{nu} \cdot l_{yy}}{t \cdot T_{xu}} \right] \cdot K_{ca} \quad m / \min \quad (12)$$

бунда N - пилла ташлашлар сони

$T_{nu}$  - пилла ипининг чизиқли зичлиги, текс

$l_{yy}$  – пилла ипининг узликсиз чувилиш узунлиги, м

t – вақт

$T_{xu}$  – хом ипакнинг чизиқли зичлиги, текс

$K_{ca}$  – адгезия кучи коэффиценти

Хулоса қилиб айтганда етиштирилган хўл пиллага дастлабки ишлов бериш ва сақлаш жараёнларида пилла қобиғида бўладиган композицион ўзгаришлар, пилла қобиғига жиддий таъсир қилиб, унинг чувилишини қийинлаштиради. Натижада хўл ва қуруқ пиллаларнинг бир хил режимда чувиш имконияти бўлмайти, чунки пилла чувиш жараёнида ипак толаларининг пилла қобиғидан ажратиб олишда ҳосил бўладиган адгезия кучи миқдори хўл ва қуруқ пиллалар учун турлича бўлади. Шунга мос равишда хўл ва қуруқ пиллаларнинг чувиш тезлиги ишлаб чиқариладиган хом ипак чизиқли зичлигига мос қилиб танлаб олинади.

**“Ипакнинг толали чиқиндиларини дастлабки ишлаш технологияларини такомиллаштиришдан олинандиган иқтисодий самарадорлик”** деб номланган бешинчи бобда янги сирт фаол моддаларни ипак чиқиндиларига дастлабки ишлов беришда, пиллани сақлаш жараёнларида қўлланилиб, ундан олинандиган самаралар келтирилган улар қуйидагилардан иборат:

ипак чиқиндиларини пиллакашлик корхонасининг чиқиндилар цехида биринчи марта 40 дақиқа ва ипак йигириш корхонасининг елимсизлантириш ва ёғсизлантириш цехида иккинчи марта 120 дақиқа жами 160 дақиқа давомида дастлабки ишлов беришни биттага, яъни пиллакашлик корхонасининг чиқиндилар цехида 20-25 дақиқа давомида ўтказиш имкониятлари мавжудлиги назарий ва амалий илмий тадқиқотлар билан исботланди. Бунинг оқибатида ишлов бериш учун сарфланадиган иссиқлик энергияси, технологик сув, ишчи кучи қарийиб 3,0-3,5 баробарга камайди;

ипак чиқиндиларига дастлабки ишлов бериш технологиясининг бир мартага келтирилиши муносабати билан ипак йигириш корхонасининг елимсизлантириш ва ёғсизлантириш цехида ишлайдиган ишчи кучлари камайиб, ушбу цехнинг ишлаб чиқариш майдонлари бўшайди;

ипак чиқиндиларига 92-96 °С ли ҳароратдаги сувли эритма билан 160 дақиқа дастлабки ишлов бериш жараёни 20-25 дақиқага келтирилиши муносабати билан толага таъсир қилувчи кимёвий моддаларнинг (олеин совуни, кальцийли сода ва триполифосфат) салбий таъсирини камайиши ҳисобига ипак толасининг физик-механик хоссалари 8-10 % гача сақлаб қолинди;

ишлаб чиқариш шароитида ипак чиқиндиларига дастлабки ишлов бериш учун синтез қилинган сирт фаол моддаларни қўллаш оқибатида елимсизлантириш ва ёғсизлантириш жараёнида ортикча моддаларни сувга эриб чиқиши 3-4 % га камайган. Бу билан қимматбаҳо тўқимачилик хомашёси бўлган ипак чиқиндиларини тежаш имконияти яратилди;

янги синтез қилинган сирт фаол моддани тирик пиллаларни сақлашдан олдин, унинг қобиғи сиртини модификация қилиш билан чанг ва ғуборлардан сақлаш, турли хилдаги ҳашорат ва терихўрлар томонидан етказиладиган зарарни олдини олиш билан бирга, пиллакашликда ишлатиладиган технологик сувнинг лойқаланиши оқибатида хом ипакнинг ялтироқлигини йўқолишини олдини олади.

Юқорида қайд этилган барча ижобий натижаларни инобатга олиб, бажарилган илмий тадқиқот самарадорлигини ҳисоблаймиз. Иқтисодий самарадорлик биргина ипак чиқиндиларидан ювилиб чиқиб кетадиган моддаларни камайиши ҳисобига ҳар 1 кг хомашёдан 125-130 гр тежалиши билан изоҳланади ва шу асосида ҳисоблаймиз.

Ҳисобларни 1 кг ипак чиқиндисини дастлабки ишлов бериш давридаги тежалган 125-130 гр хомашёга нисбатан ҳисобланганда

$$T_{\text{б.йилда}} = (m^2 - m^1) \cdot N \cdot 252 \quad (13)$$

**бунда**  $T_{\text{б.й}}$  – ипак толаларини тежалиши ҳисобига иқтисодий самарадорлик, сўм;

$m^1$  – анъанавий усулда дастлабки ишлов берилган хомашёнинг оғирлиги, кг;

$m^2$  – такомиллаштирилган усулда дастлабки ишлов берилган хомашёнинг оғирлиги, кг;

$N$  – 1 кг дастлабки ишлов берилган хомашёнинг сотилиш нархи, сўм.

252 – 1 йилдаги иш куни.

“Ҳарир тола” МЧЖ да 1 йилда 10,080 т. ипак чиқиндиларига дастлабки ишлов берилади. Такومиллаштирилган технологияни қўллаш ҳисобига елимсизлантириш ва ёғсизлантириш учун сарфланадиган 160 минут 25 минутга келтирилиши ҳисобига йилига 1,26 т. тола тежалади. Толани ва ишлов бериш вақтини тежаш ҳисобига олинадиган йиллик иқтисодий самарадорлик  $302400 + 3281,292 = 305681,292$  минг сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради: ипакнинг толали чиқиндиларини дастлабки ишлашни жадаллаштиради; йигиришга тайёрлаш босқичларини камайтиради; йигириш корхоналаридаги елимсизлантириш ва ёғсизлантириш жараёни тугатилади; ипак чиқиндиларига иссиқ сув, кимёвий моддаларнинг сувдаги эритмаси таъсирини камайтириш ҳисобига таранди чиқиш миқдори ортади, йигиришга тайёрланган тола ва ишлаб чиқарилган калава ип сифати ортади; ипак чиқиндиларидан тайёрланган толаларни тўқимачилик саноатининг бошқа тармоқларида ишлатиш имкониятлари вужудга келади;

2. Табиий ипакнинг толали чиқиндиларини атрофлича тадқиқ этиб, тўқимачилик материалшунослиги фани талабларига мос келадиган синфланиш ишлаб чиқилди, Мазкур синфланиш келажакда толали чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб бориш учун қўл келиши муқаррар.

3. Янги сирт фаол модда синтез қилинди. Бу модда ўзининг универсаллиги билан бошқа турдаги сувда эрувчи препаратлардан фарк қилиб, у қисқа муддатли таъсир этгани учун ипак толаси тузилишини шикастлантирмайди, физик-механик хоссаларини пасайтирмайди.

4. Синтез қилинган сувда эрувчи препаратни концентрацияси ортиши билан унинг сирт таранглиги сезиларли даражада пасайиб борди.

5. Пиллакашликда меҳнат унумдорлиги, хом ипак чиқишини кўпайтириш, толали чиқиндилар миқдорини камайтириш нечоғлик ипак чувиш тезлигига ва пилла ипининг адгезиясига боғлиқлиги назарий жиҳатдан ўрганилди ва тегишли коэффицентлар белгилаб олинди.

6. Бир кг ҳўл пилла етиштириш учун 33 гр ипак толасини сарфлаш ўрнига, 16 гр ипак тола ҳовоза ёки ўрмонча учун сарфланди. 1 кг ҳўл пилла учун 17 гр ипак толасини тежалди Сунъий дасталарни қўлланилганда етиштирилаётган пилла миқдори 442 т. га кўпайиши ёки лос учун сарфланадиган ипак тола миқдорини 416 т. га камайтириш имконияти яратилди. Лоснинг ифлосланиш даражаси 71,6 % дан ўртача 15-16 % гача камайди.

7. Тирик пилла қобиғининг куруқ ҳолатидаги адгезия кучи 0,63-0,67 сН, сув-буғ ёрдамида юмшатилиб чувиш даврида эса ( $C_{ap}$ ) 0,11 сН ни ташкил этишини кўрсатди. Табиийки, айтилганларнинг барчаси нафақат пиллакашлик корхоналарининг маҳсулоти хом ипакка тегишли, балки ипакнинг толали чиқиндиларининг кўпайиш ёки камайишига ҳам тўғридан-тўғри боғлиқлигини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**РАХИМОВ АКМАЛ АЛИШЕРОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА УСОВЕРШЕНСТВОВАННОЙ ТЕХНОЛОГИИ  
ПЕРВИЧНОЙ ОБРАБОТКИ ОТХОДОВ ШЕЛКОВОГО ВОЛОКНА**

**05.06.02 - Технология текстильных материалов и  
первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/T1345.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительный институт.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-страница по адресу: ([www.namnti.uz](http://www.namnti.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Ахмедов Жахонгир Адхамович**  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Ахунбабаев Охунжон Абдурахманович**  
доктор технических наук, профессор

**Парпиев Хабибулло**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Фарганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «25» сентября 2021 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-й этаж, малый зал совещаний, тел: (+ 99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_nfo@edi.uz](mailto:niei_nfo@edi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 419). Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_nfo@edi.uz](mailto:niei_nfo@edi.uz).

Автореферат диссертации разослан «13» сентября 2021 года  
(Протокол рассылки № 50 от «13» сентября 2021 года)



**Р.М.Муродов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

**Х.Т.Бобожанов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., доцент

**К.М.Холиков**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На мировом рынке из года в год растет спрос на шелковое волокно. По информации «Международного консультативного комитета по шелку (ISAC)» в последние годы по всему миру заготавливается более 153 тыс. тонн коконного сырья<sup>1</sup>. Во всем мире уделяется особое внимание эффективному использованию коконного сырья, увеличению привлечения в производство волокнистых отходов коконного сырья в качестве вторичного сырья, улучшение качества продукции и расширение ассортимента, снижение себестоимости, выявление и устранение факторов, негативно влияющих на качество продукции на всех этапах первичной обработки и переработке волоконных отходов. В связи с этим для дальнейшего улучшения потребительских свойств шелкового волокна важно в определенной степени повысить конкурентоспособность шелковых изделий на мировом рынке.

Узбекистан является четвертым по величине производителем шелка в мире после Китая, Индии и Вьетнама, производя 26 тысяч тонн коконов в год. Сравнительный анализ данного показателя указывает, что из 1 коробки семян тутового шелкопряда получается в среднем 48-50 кг коконов разного размера. Из этих выращенных коконов 68,3 % относятся к сортам I и II, 3,04 % нестандартные, 16,12 % - к несортным коконам и 12,03 % - к коконам не пригодным к размотке. В странах с развитой шелковой промышленностью из 1 коробки семян тутового шелкопряда получают 58,1-64,6 кг коконов. 79,2-79,4 % этих коконов относятся к коконам среднего размера и 92,1-95,19 % относятся к I сорту.

В связи с этим особое внимание уделяется улучшению свойств шелковой нити, эффективному использованию шелковых отходов, дальнейшему повышению потребительских свойств шелковых изделий, разработке технологий производства высокопрочной шелковой нити.

В нашей республике до сих пор расходуется 3–3,2 кг сухих отборных коконов для производства 1 кг шелка-сырца. Однако в Китае и Индии этот показатель не превышает 2,8 кг. В результате в процессе производства 1 кг шелка-сырца на кокономотальных предприятиях образуются более одного килограмма различных видов отходов, в том числе 9 видов волокнистых отходов в количестве более 0,6 кг. Полноценное использование этих отходов, их переработка и производство текстильных изделий для нужд промышленности и населения принесут высокие экономические выгоды. В республике принимаются комплексные меры по повышению производства и конкурентоспособности широкого спектра высококачественной и недорогой продукции текстильной и легкой промышленности, на основе производства и глубокой переработки шелкового волокна, которое является основным текстильным сырьем. Для реализации данной задачи в соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на

---

<sup>1</sup> Silk Road Chamber of international committee Zhangjiajie, China From the Secretariat of the ISAC. [Cooperation@srcic.com](mailto:Cooperation@srcic.com), December 17, 2018

2017-2021 годы, поставлена задача «...повысить конкурентоспособность национальной экономики, снизить потребление энергии и ресурсов в экономике, повсеместное внедрение энергосберегающих технологий в производство». Выполнении данной задачи, в частности совершенствование традиционных методов первичной обработки волокнистых отходов шелка, научное определение обесклеивания и обезжиривания, улучшение качества шелкового волокна посредством разработки ресурсосберегающих технологий приобретает важное значение.

